

Қуръони Каримга хизмат қилишда замонавий технологияларнинг ўрни



10:57 / 10.02.2024 1718

2024 йил 11 февраль куни Файсал бин Бандар бин Абдулазиз ҳомийлигида Ар-Риёд шаҳрида Алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги ва Макнун уюшмаси ҳамкорлигида илмий форум ўтказилади. Қуръони Каримга хизмат қилишда замонавий технологиялар ва уларнинг сармоясини муҳокама қиладиган биринчи ихтисослаштирилган илмий форум бўлади.

Бир гуруҳ мутахассис ва академиклар иштирокидаги форум Қуръон тиловати, ёдлаш ва қайта кўриб чиқишни осонлаштириш учун замонавий ва ривожланаётган технологиялардан фойдаланишга қаратилган. Унда рақамли Қуръон билан боғлиқ қатор муваффақиятли тажриба ва платформалар ҳам кўриб чиқилади.

Саудиялик академикларнинг элита гуруҳи форумда блокчейн технологиялари, сунъий интеллект, интернет ва кенгайтирилган реаллик каби бир қанча ихтисослаштирилган техник йўналишлар бўйича илмий мақолалар орқали иштирок этади. Форумда муваффақиятли рақамли Қуръон, аниқ платформалар ва уларни моделлаштириш ва фойдаланиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилади.

Шунингдек, форумда иштирок этувчилар ўртасида Қуръон платформаларини ривожлантириш ва соҳадаги истиқболли имкониятларга сармоя киритиш бўйича бир неча қўшма меморандумлар имзоланади.

Маълумот ўрнида ўтган ҳафта мамлакат пойтахти Ар-Риёда дунёнинг 42 давлатидан 1800 дан ортиқ дастурчи ва сунъий интеллект бўйича мутахассислар иштирокида Қуръон иловалари танлови бўлиб ўтган эди.